

Устозларга умра йўлланмаси ҳадя этилди



17:03 / 24.02.2024 2263

Умрини Ислом дини равнақиға хизмат қилишға, халқимиз маърифатини юксалтиришға, одамларға зиё улашишға бағишлаётган устозларға ҳамма ҳавас қилади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги "Шамсуддинхон Бобохонов" нашриёт-матбаа ижодий уйи раҳбарияти бугун қарийб чорак асрдан бери шу ерда меҳнат қилиб келаётган Бош муҳаррир Абдужалил Хўжамовға ва 35 йилдан бери фидойилик кўрсатиб келаётган катта муҳаррир Муҳаммадшариф Жумановға "Умра сертификат"ларини топширди.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадиси шарифда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Сизларнинг яхшиларингиз умри узун ва хайрли амаллари кўп бўлганингиздир", деб марҳамат қилганлар.

Ҳақиқатан, яна кўп йиллар устозлар билан биргаликда хизмат қилиб, улардан кўп илм ўрганишни Аллоҳ таоло барчамизга насиб этсин.







